



Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам уйқудан туришнинг қийинлигини шайтон бошнинг орқасига туккан уч тугун сабабидан, деб баён қилмоқдалар.

Албатта, бу моддий маънодаги тугун эмас. Кишини шайтон таъсирида ушлаб турувчи ушбу уч тугуннинг ечилиши учун аввало Аллоҳнинг зикри, сўнг таҳорат ва ниҳоят, намоз ўқилиши керак экан. Ана ўша амалларни қилган инсон руҳи енгил ва пок бўлиб, ўзи ҳаракатчан бўлиб қолади.

Аллоҳни зикр қилмаган, таҳорат олмаган ва намоз ўқимаган кишида эса бунинг тескариси бўлади. Бундай фосиқ одам руҳи чиркин, ўзи дангаса бўлиб уйқудан туради.

ҳақиқатда ҳам ҳаётда худди шу ҳолни кўрамиз. Намозхон инсонлар жуда эрта турадилар, ўзлари тетик, руҳлари енгил, кўнгиллари хуш юрадилар. Тавфиқсизлар эса ухлаб-ухлаб, ўрнидан зўрға туради.

Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифни яхши ўзлаштириб олишимиз керак. Ухлашдан олдин таҳорат қилиб, суннатга мувофиқ дуоларни ўқиб ётишимиз керак.

Кечаси уйғонганда эса дарҳол Аллоҳни зикр қилиб, уйқудан уйғонганда ўқиладиган дуони ўқишимиз лозим. Кейин туриб, таҳорат қилиб, икки ракъат намоз ўқисак, шайтоннинг тугунлари батамом ечилган бўлади. Бу айниқса таҳажжуд намози ўқимоқчи бўлганимизда керак бўлади. ("Ҳадис ва Ҳаёт" китобидан).  
Валлоху аълам!